

**ДИАФРАГМА ЧУРРАЛАРИНИНГ ГЕРНИОПЛАСТИКАСИ
МУАММОЛАРИ**

Шукуров Мамед Баходирович

www.mamedshukurov@gmail.com

Ярикулов Шухрат Шокирович

https://orcid.org/0000-0003-0520-3539

Бухоро давлат тиббиёт институти

ПРОБЛЕМЫ ГЕРНИОПЛАСТИКИ ГРЫЖИ ПИЩЕВОДА ДИАФРАГМЫ

Шукуров Мамед Баходирович

www.mamedshukurov@gmail.com

Ярикулов Шухрат Шокирович

https://orcid.org/0000-0003-0520-3539

Бухарский государственный медицинский институт

**HERNIOPLASTY PROBLEMS OF HERNIA OF THE ESOPHAGUS AND
DIAPHRAGM**

Shukurov Mamed Baxodirovich

www.mamedshukurov@gmail.com

Yarikulov Shuxrat Shokirovich

https://orcid.org/0000-0003-0520-3539

Bukhara State Medical Institute

Тадқиқот мақсади: диафрагманинг қизилўнғач тешигининг (ДҚТЧ) катта ва улкан чурраларини жарроҳлик йўли билан даволашни таҳлил қилишдан иборат.

Материаллар ва усуллар: Диафрагманинг қизилўнғач тешигининг (ДҚТЧ) катта ва улкан чурраларини жарроҳлик усули билан даволаш бўйича сўнгги тадқиқотлар тиббий адабиётларни кўриб чиқиш ўтказилди, асосий муаммолар аниқланди ва ҳар хил турдаги пластик жарроҳлик усулларида фойдаланган ҳолда шахсий тажрибалар натижалари кўрсатилди.

Натижалар ва мунозаралар: ушбу ҳолатларда лапароскопик жарроҳликнинг мақсадга мувофиқлиги, айниқса мураккаб ва шошилини ҳолатларда жиддий муаммо бўлиб ҳисобланади. Адабиётларни кўриб чиқиш жараёнида, Nguyen N. T. катта ва улкан ДҚТЧ учун мунтазам лапароскопик фундопластика 81% ҳолларда мувофақиятли амалга оширилган, айрим адабиётларда эса факатгина 57% ҳолларда амалга оширилган. Лапароскопик операциялар, шунингдек, операциядан кейинги асоратлар частотасининг очиқ аралашувларга нисбатан сезиларли даражада

15-NOYABR, 2025-YIL

пасайишига олиб келди — 2,7% ва 8,4%, аммо техникани такомиллаштириш зарурлигини юзага келадиган асоратларнинг юқори даражаси сақланиб қилишидан англаш мумкин.

Диафрагманинг қизилўнғач тешиги чурралари жарроҳлигидаги иккинчи муаммоси АР нинг юқори частотаси. Шарҳларга кўра, крурографияни бажаришда АР частотаси 40% га етади. Адабиёт маълумотларига кўра, диафрагманинг қизилўнғач тешигининг аллопластикаси туфайли АР частотасининг пасайиши мумкин бўлади.

Кейинчалик, 2015 йилдан 2025 йилгача Бухоро шаҳар клиник шифохонасининг жарроҳлар гуруҳи томонидан 270 беморда диафрагманинг қизилўнғач тешиги чурралари бўйича ўз тадқиқотимиз натижаларини таҳлил қиламиз. Биринчи гуруҳ диафрагма қизилўнғач тешигининг катта чурраси бўлган 122 бемордан иборат бўлиб, крурография амалиёти бажарилганлар (а — 47 киши кичик гуруҳи) ва аллопластика амалиёти (б — 75 киши кичик гуруҳи) бажарилганларга бўлинган. Б кичик гуруҳидаги 40 нафар беморларда «prolene» имплантацияси ёрдамида "onlay" пластик жарроҳлик амалиёти бажарилган бўлса, қолган 35 нафар беморда эса асл биокарбонли имплант ёрдамида пластик жарроҳлик амалиёти ўтказилган.

Иккинчи гуруҳ диафрагманинг қизилўнғач тешигининг чурраси бўлган 148 бемордан иборат бўлиб, уларда аллопластика (а — 108 беморлар кичик гуруҳи) ёки тортиб турувчи аллопластиканинг янги техникаси (б—40 беморлар кичик гуруҳи) билан жарроҳлик амалиёти бажарилган.

Кичик А гуруҳидаги 32 нафар беморларда полипропиленли инплант «prolene» («ethicon») билан «onlay» пластик амалиёти бажарилган бўлса, қолган 76 нафар беморларда оргнал биокарбонли инплантлардан фойдаланган ҳолда «sublay» пластикадан фойдаланилган. 1-гуруҳнинг а гуруҳи ва Б гуруҳи орасидаги АР частотаси аллопластика фойдасига фарқ қилди ($p=0,0011$). Аллопластика техникасини onlay полипропилен инплант билан таққослаш ва биокарбонли техникаси биринчисидан фойдаланганда дисфагия частотасининг ошишини аниқланди: мос равишда 13,6% билан солиштирганда 3,6% ($p=0,0008$).

2-гуруҳнинг А кичик гуруҳида 1-гуруҳнинг Б кичик гуруҳига нисбатан такрорланиш даражаси катта чурраларда сезиларли даражада фарқ қилди ($p<0.0001$). 2-гуруҳнинг Б кичик гуруҳида таклиф қилинган усули бўйича икки қаватли пластика амалиётида дисфагиянинг анча паст частотаси билан ажралиб турарди.

Хулоса: диафрагманинг қизилўнғач тешигининг катта ва улкан чурраларини жарроҳлик йўли билан даволаш муаммоси аниқланди. Диафрагманинг қизилўнғач тешигининг катта ва улкан чурралари учун оптимал техника қисман сўриладиган биокарбонли тўр имплантацияси билан икки қатламли пластик жарроҳликнинг ўзига хос техникаси эканлиги исботланган.